

## XIV. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республика доимий аҳолиси сони 33 085,2 минг кишини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 428,5 минг кишига ёки 1,3 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 16 728,2 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,6 %), қишлоқ аҳолиси сони 16 357,0 минг кишини (49,4 %) ташкил этди.

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2018 йил 1 октябрь ҳолатига)


	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>33 085,2</b>	<b>16 728,2</b>	<b>16 357,0</b>	<b>101,8</b>	<b>101,6</b>	<b>102,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 861,2	913,9	947,3	101,4	101,3	101,6
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	3 050,5	1 595,4	1 455,1	101,7	101,6	101,9
Бухоро	1 891,1	704,0	1 187,1	101,5	101,1	101,8
Жиззах	1 344,9	630,7	714,2	101,9	101,8	102,1
Қашқадарё	3 195,2	1 376,8	1 818,4	102,0	101,9	102,1

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Навоий	969,7	471,3	498,4	101,6	101,2	102,0
Наманган	2 737,7	1 767,9	969,8	101,9	101,8	102,0
Самарқанд	3 777,8	1 407,7	2 370,1	102,1	101,6	102,4
Сурхондарё	2 554,4	905,9	1 648,5	102,2	101,9	102,3
Сирдарё	825,8	353,2	472,6	101,6	101,2	101,9
Тошкент	2 888,2	1 423,2	1 465,0	101,2	101,1	101,4
Фарғона	3 665,6	2 073,0	1 592,6	101,7	101,5	101,9
Хоразм	1 825,2	607,3	1 217,9	101,6	101,5	101,7
Тошкент шаҳри	2 497,9	2 497,9	х	101,8	101,8	х

*2005 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси МДХ мамлакатлари аҳолисининг 9,6 % ни ташкил қилган бўлиб, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 11,7 % ни ташкил этди (МДХ мамлакатлари миллий статистика идоралари расмий веб сайти маълумотлари асосида).*


Республика ҳудудлари кесимида 2018 йил 1 октябрь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3777,8 минг кишини (республика аҳоли сонигаги улуши 11,4 %), Фарғона вилоятида 3665,6 минг кишини (11,1 %), Қашқадарё вилоятида 3195,2 минг кишини (9,7 %) ва Андижон вилоятида 3050,5 минг кишини (9,2 %) ташкил этди.

**Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**  
(2018 йил 1 октябрь ҳолатига; республика жами аҳолисига нисбатан, % да)



## Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2018 йил 1 октябрь ҳолатига; жами аҳолига нисбатан % да)




Дастлабки маълумотларга кўра 2018 йил 1 октябрь ҳолатига Республика доимий аҳоли сонининг 30,3 % меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 59,6 % меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 10,1 % меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиснинг табиий ҳаракати**  
(январь-сентябрь)

Кўрсаткичлар	Минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2017 йил	2018 йил	2017 йил	2018 йил
Туғилганлар	523,7	553,4	21,7	22,5
Ўлганлар	116,9	112,6	4,8	4,6
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	6,1	5,6	11,3 <sup>1)</sup>	10,2 <sup>1)</sup>
Никоҳлар сони, минг	192,7	196,0	8,0	8,0
Ажримлар сони, минг	23,6	23,8	1,0	1,0

**Туғилиш.** 2018 йил январь-сентябрь ойларида 553,4 мингта бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига (523,7 минг бола) нисбатан 29,7 минг болага кўпайди, туғилиш коэффициенти 22,5 промиллени ташкил этди.

**Худудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффициенти**  
(2018 йил январь-сентябрь)



1) 1000 тугилганга

*2018 йил январь-сентябрь ойларида энг кўп туғилиш август ойида, яъни 80,4 минг бола қайд этилганлиги кузатилди.*

Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Тошкент шаҳрида (17,6 промилледан 18,3 промиллега), Самарканд (23,8 промилледан 25,7 промиллега), Қашқадарё (23,9 промилледан 25,0 промиллега), Жиззах (23,8 промилледан 24,8 промиллега), Бухоро (19,6 промилледан 20,5 промиллега), Наманган (22,6 промилледан 23,5 промиллега), Тошкент (19,2 промилледан 20,1 промиллега), Фарғона ( 20,8 промилледан 21,5 промиллега) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (19,5 промилледан 20,4 промиллега) қайд этилди.

Туғилиш коэффициентининг пасайиши Сирдарё (21,9 промилледан 21,6 промиллега) вилоятида қайд этилди.

*Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида энг юқори туғилиш 2015 йилда, яъни 734,1 минг бола, аксинча энг паст – 2003 йилди, яъни 508,5 минг бола қайд этилгани кузатилди.*


Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг юқори даражаси Сурхондарё (26,0 промилле), Самарканд (25,7 промилле), Қашқадарё (25,0 промилле), Жиззах (24,8 промилле) ва Андижон (22,6 промилле) вилоятларида кузатилди.

*Туғилиш коэффициенти юқори даражаси 1991 йилда – 34,5 промилле, аксинча паст коэффициент –2003 йилда, яъни 19,8 промилле кузатилган.*

**Ўлим.** 2018 йил январь-сентябрь ойларида ўлганлар сони 112,6 минг кишини ташкил этиб, 2017 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан (116,9 минг киши) 4,3 минг кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил этди (2017 йил январь- сентябрда - 4,8 промилле бўлган).

*2018 йил январь-сентябрь ойларида энг кўп ўлим июль ойида, яъни 14,2 минг киши қайд этилганлиги кузатилди.*

## Худудлар кесимида вафот этганлар сони ва коэффиценти (2018 йил январь–сентябрь)




Ўлим коэффицентининг паст даражаси Қашқадарё (4,0 промилле), Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё (4,1 промилле), Навоий, Наманган, Хоразм (4,3 промилле) вилоятларида қайд этилди.

*Ўлим коэффиценти юқори даражаси 1993 йилда – 6,6 промилле, аксинча паст коэффицент – 2009 йилда, яъни 4,8 промилле кузатилган.*

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 60,7 % и қон айланиш тизими касалликларидан, 9,5 % и ўсимталардан, 6,3 % и бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,5 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 4,1 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 1,5 % и юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 12,4 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

**Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши**  
(жами вафот этганларга нисбатан, %)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 5,6 минг нафарни ташкил этиб, гўдаклар ўлими коэффициенти 10,2 промиллени (2017 йил январь-сентябрда - 11,3 промилле бўлган) ташкил этди.

Гўдаклар ўлими коэффициентининг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (15,3), 1000 тирик туғилганга), Андижон (15,4), Хоразм (12,7), Сирдарё (12,4), Наманган (12,1), вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (14,1), кузатилди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 60,8 % и перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 16,6 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 11,7 % и туғма аномалиялардан, 2,2 % и юқумли ва паразитар касалликлардан, 2,2 % и бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан 0,8 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 5,7 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Бундан ташқари, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида дастлабки маълумотларга кўра 108 та оналар ўлими ҳодисаси қайд этилиб, оналар ўлими коэффициенти эса 19,5 ни (100 минг тирик туғилганга) ташкил этди.

Оналар ўлими коэффициентининг юқори даражаси Навоий (31,4; (100 минг тирик туғилганга)) ва Сурхондарё (28,5) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (29,4) қайд этилди.




**Никоҳ.** 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 196,0 минг никоҳ қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициентини 8,0 промиллени ташкил этди.

*2018 йил январь-сентябрь ойларида энг кўп никоҳ сентябрь ойида, яъни 33,6 минг бирлик қайд этилгани кузатилди.*

Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли ўсиши Жиззах (8,2 дан 8,9 промиллега), Сирдарё (7,5 дан 8,2 промиллега), Тошкент (7,5 дан 7,9 промиллега), Фарғона (7,4 дан 7,8 промиллега) ва Андижон (7,2 дан 7,5 промиллега) вилоятларида кузатилди.

*Никоҳ тузиш коэффициентининг юқори даражаси 1991 йилда – 12,9 промилле, аксинча паст коэффициент – 2004 йилда, яъни 6,0 промилле кузатилган.*

**Худудлар кесимида тузилган никоҳлар сони ва коэффициенти**  
(2018 йил январь–сентябрь)




**Никоҳдан ажралишлар.** 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 23,8 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициентини 1,0 промиллени ташкил этди.

*2018 йил январь-сентябрь ойларида энг кўп никоҳдан ажралиш май ойида, яъни 3,0 минг бирлик қайд этилгани кузатилди.*

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Тошкент шаҳри (1,5 дан 1,7 промиллега), Андижон (1,1 дан 1,3 промиллега), Сурхондарё (0,7 дан 0,8 промиллега) ва Тошкент (1,2 дан 1,3 промиллега) вилоятларида кузатилди.

*Никоҳдан ажралиш коэффициентининг юқори даражаси 1991 йилда – 1,6 промилле, аксинча паст коэффициент – 2001 йилда, яъни 0,6 промилле кузатилган.*

**Худудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти**  
(2018 йил январь–сентябрь)



**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 121,7 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 134,0 минг кишини ташкил этди.

Шунга мувофиқ, миграция сальдоси минус 12,3 минг кишини ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврида минус 14,9 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Тошкент (минус 4,1), Қашқадарё (минус 3,1), Самарқанд (минус 2,8), Бухоро (минус 2,1), Андижон (минус 1,4), вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (минус 3,1) қайд этилди.

Миграция сальдоси ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (плюс 10,8) кузатилди.

**Аҳоли миграцияси**  
(январь-сентябрь, минг киши)

	<i>Келиш</i>		<i>Кетиш</i>		<i>Миграция сальдоси</i>	
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>120,6</b>	<b>121,7</b>	<b>135,5</b>	<b>134,0</b>	<b>-14,9</b>	<b>-12,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	8,4	8,3	11,8	11,4	-3,4	-3,1
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	4,7	4,8	6,2	6,2	-1,5	-1,4
Бухоро	5,2	4,9	7,1	7,0	-1,9	-2,1
Жиззах	7,0	8,2	7,8	9,0	-0,8	-0,8
Қашқадарё	8,5	8,6	11,5	11,7	-3,0	-3,1
Навоий	10,2	9,8	10,7	11,0	-0,5	-1,2
Наманган	2,9	3,6	3,9	4,3	-1,0	-0,7
Самарқанд	7,8	9,3	11,8	12,1	-4,0	-2,8
Сурхондарё	10,9	9,9	12,2	11,1	-1,3	-1,2
Сирдарё	5,7	6,4	6,4	6,9	-0,7	-0,5
Тошкент	15,3	14,5	20,2	18,6	-4,9	-4,1
Фарғона	9,6	9,6	11,3	10,8	-1,7	-1,2
Хоразм	5,2	4,9	6,0	5,8	-0,8	-0,9
Тошкент ш.	19,2	18,9	8,6	8,1	10,6	10,8

Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра 2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан доимий яшаш учун кўчиб келганлар сони 1,9 минг кишини, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони эса 14,2 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 31,0 %), Тожикистон Республикаси (28,3 %), ва Россия Федерацияси (25,3 %), Турманистон Республикаси (3,7 %), Қирғизистон Республикаси (2,4 %) ва бошқа мамлакатлар (9,3 %) ҳиссаларига тўғри келади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 48,1 %), Россия Федерацияси (46,0 %), Америка Қўшма Штатлари (1,3%), Исроил (0,7 %), Қирғизистон Республикаси (0,5 %) ва бошқа мамлакатлар (3,4 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.